

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 7-may, chorshanba № 35 (15777)

## ШУ ЮРТГА БОҒЛАНГАН КЎНГИЛЛАРИМИЗ!

*Airbus A-320 samoga kўtarildi — baland binolar gugurt kutilariga, sўngra ulkan toғlar харсангларга, йўллар ипак мисол ингичка ипларга, узун-узун дарёлар адоқсиз думини судраб кетаётган илонларга, қўл етмас учқур булутлар ҳамроҳимизга айланди.*

Гўё пўлат қанотлари булутларни иккига бўлиб кетаётган Airbus йўлагиди ўз уйидаги каби оҳиста, хотиржам қадам ташлаб, очик чехра билан хизмат қилаётган экипаж стюардессалари, улкан пахта хирмонларини эслатувчи булутлар ҳам бизни асраб-авайлаб очикқўнгил эл сари, ёшлар фестивалини интиқлик билан кутаётган қорақалпоқ ёшлари томон олиб бораётгандек эди.

Биз — бир жамоага айланган қирқдан ошиқ санъат — театр ва кино, маданият, адабиёт, илм-фан, спорт намояндалари, тенгдошларига ўрناк бўла оладиган истеъдодли ёшлар Қорақалпоқ диёрига ёшлар билан учрашиш истагида учаётган эдик. Бу истаннинг замирида улғу ҳикмат — ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш, уларни озод ва обод Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, эришаётган ютуқларини қўллаб-қувватлаш, яратиб берилган шароитлар билан танишиш, қўлига Ер юзи бўйлаб вабо мисол тарқаб бораётган «оммавий маданият»га қарши миллийлик қуролини тутқазишдек масъулиятли вазифалар ётади.

Airbus A-320 Нукус халқаро аэропортига қўниши билан йўловчилар экипажга гулдурол олқишларини йўлладилар. Кўнгил хотиржам тортиб, хавотирдан фориг нигоҳлар бугунча қуёш нурлари билан хайрлашаётган Нукус шаҳрига қадалди. Кенг ва равон кўчаларда нур сочаётган чироқлар шаҳарни тунгача ҳали анча борлигига ишонтиришга уринаётган эди. Бир-биридан гўзал, нақш каби шаҳарга зеб бериб турган биноларни кўриб кўз қувонди, қалб ифтихорга тўлди.

1 май, 09:00. Бир неча гуруҳга бўлинган тарғиботчилар икки йўналишда — Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоқларида жойлашган туманлар бўйлаб фестивалларни ўтказиш учун йўлга чиқдилар. Шаҳардан-шаҳарга, бир тумандан бошқа туманга ўтар экансиз, ҳашаматли ўқув бинолари, замонавий супермаркетлар, маиший хизмат кўрсатиш бинолари, олиб борилаётган кенг қўламли қурилиш ва ободончилик ишларига гувоҳ бўласиз, ҳар қадамда қаршингизда тараққиёт томон олға қадам босаётган, эртасидан умидвор фидойи ва меҳнаткаш инсонларни учратасиз.

Бепоен саҳрони қоқ иккига бўлган, қоп-қора лента мисол текис ҳамда кенг «Буюк ипак йўли» трассаси бизни Қорақалпоғистоннинг шимоли-ғарбидаги туман, қачонлардир Орол денгизи билан юзлашиб яшаган Мўйноққа олиб борар эди. Қорақалпоқ элига хос жўмардлик, самимийлик ва соддалик унинг қалбига бепоен кенгликларидан кўчган бўлса, ажаб эмас. Гоҳ сарҳадсиз дашт, гоҳида гуркираб ўсаётган бугдойзорлар, гоҳида қорамоллар ўглаб юрган текисликлар олдингиздан чиқади. Кўнғирот туманидан ўтиб, Мўйноқ худудига киргач, олдинроқда йўлнинг чап бетида уч гумбазли баланд бино кўринди. Бу зиратгоҳ шoir Ажиниёзнинг кимсасиз саҳрода халққа барака тилаб турган, халқнинг улғу дуосига айланган мақбараси экан. Айтишларича, оддийлик ихтиёр этган маданият ва маърифат пешвоси айнан шу ерда яшаб, ижод қилган экан.

(Давоми 5-саҳифада)



Рустам Насарматов олган суратлар

Forum

## БУГУНГИ ЎЗБЕК КИНО САНЪАТИГА НАЗАР МУТАХАССИС ВА МУХЛИС МУШОҶАДАСИ

Тошкент вилоятида «Кино ва ёшлар» республика форуми бўлиб ўтди

Кинодаги тасвир, воқеалар шунчалар таниш-ки, худди режиссёр ё сценарийнавис бизни зимдан кузатиб юрган-у, ҳаётимизнинг қайсидир палласини экранга кўчирган. Қаҳрамонлар ҳам аслида актёрлар эмас, ўзимиз... Шу боис кинони шунчаки томоша эмас, ҳаёт ҳақидаги ҳикоя, десак бўлади...

Бугун экран юзини кўраётган ана шундай ҳикояларнинг маъно-мазмуни, тарбиявий аҳамияти, савияси қай даражада? Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кен-

гаши ҳамда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Кино ва ёшлар» республика форумида ана шундай саволларга аниқлик киритилиб, миллий киносанъатимизнинг муаммолари, истиқболдаги режалари муҳокама этилди.

Тўрт томони сўлим табиат, зилол сув, ям-яшил тоғлар билан ўралган оромгоҳ уч кун давомида таниқли санъаткорлару фаол «Камолот»чиларни меҳмон қилди. Жонли суҳбатлару мунозаралар, қизиқ воқеаларнинг гувоҳи бўлди.

Форумнинг очилиш маросимида дастлаб

ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор масалаларига бағишланган видеоролик намойиш этилди. Кириш сўзи «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринли босари Феруза Мухаммадждоновага берилди.

— Биз «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан фақат форумда гаплашмаяпмиз. Улар «Камолот» билан узоқ-яқин манзилларда бир қатор учрашувларда бўлишган, ёшларнинг қайноқ саволларига жавоб қайтаришган. Мана, бугун яна биргамиз. Энди биз кино соҳасидаги муаммоларни биргалликда муҳокама қилармиз... «Камолот»чилар

учун «Кино ва ёшлар» форуми бошланганига олти ой бўлди. Жойларда турли давра суҳбатларию тадбирлар, социологик тадқиқотлар ўтказдик. Ёшларнинг кино ҳақидаги фикрларини ўрганиб, бугунги форум орқали соҳа мутахассисларига етказайлик дея, олиб келдик. Ўйлаймизки, яхши ниятда қилган ишимиз самара беради. Кино соҳасидаги ютуқларни эътироф этиб, камчиликларни таҳлил қилайлик, таклифлар ишлаб чиқайлик. Асосийси, миллий кино санъатимизнинг ривожига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

(Давоми 3-саҳифада)

# ҲАМ ТАЛАБА, ҲАМ МУРАББИЯ

**Иқтидорли ёш гимнастикачиларимиз халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда мунтазам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олмоқда. Ана шундай спортчилардан бири Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Замира Саноқуловадир.**

Замира спортсеварлар оиласида улғайди. Тўққиз ёшидан Бухоро шаҳридаги «Нафис» гимнастика саройига қатнай бошлади. Илк мураббийи Алсина Чепкуновадан бадий гимнастика сирларини пухта ўрганди. Унинг спортга меҳри ва интилувчанлиги ўз самарасини берди — 2003 йил Бухоро вилояти биринчилигида муваффақиятга эришиб, кумуш медални қўлга киритди.

2007 йил Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафига қабул қилинган, тажрибали мураббийлар қўли остида шуғуллана бошлади. Натижада 2009 йили у Гулистонда ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида шоҳсупага кўтарилди, Германияда ўтказилган халқаро турнирда олтин медал билан тақдирланди. 2010 йил Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлган XVI Осиё ўйинларининг жамоавий

бахсларида Уляна Трофимова ва Жамила Раҳматова билан бирга иккинчи ўринни эгаллади. 2011 йил эса Термизда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари олтин медални қўлга киритди.

— «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт ўйинларидаги муваффақиятимни ҳозир ҳам ҳаяжон билан эсламан, — дейди З.Саноқулова. — Зеро, ҳар бир ўғил-қиз юртимизда жорий қилинган уч босқичли спорт тизими мусобақаларида қатнашишни ва ғолиб бўлишни орзу қилади. Бу мусобақалар катта спортга қадам қўйишимда муҳим босқич бўлган.

2011 йил иқтидорли гимнастикачимиз Қозоғистонда бўлган Осиё чемпионати

ҳамда Исроилда ўтказилган «Гран-при» мусобақаларида бронза медал совриндори бўлди. Греция, Польша, Италия, Россия каби қатор давлатларда ташкил этилган жаҳон кубоги баҳсларида иштирок этди.

Замиранинг халқаро мусобақаларда қўлга киритган натижалари юксак баҳоланди. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 3 декабрдаги «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида биноан Замира Саноқулова «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Қахрамонимиз спортдан ташқари рақс, тасвирий

санъат, мусиқа ва шеърятга қизиқади. 2013 йил у Бухоро шаҳридаги Мухтор Ашрафий номидаги санъат коллежини битириб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга имтиёзли қабул қилинди. Айни пайтда «Камолот» спорт-саломатлик мажмуасида жажжи гимнастикачиларга сабоқ бермоқда.

— Замира опамга жуда ҳавас қиламан, — дейди мазкур мажмуа тарбияланувчиси Камола Қодирбекова. — Мен ҳам улар каби чемпион бўлишни орзу қиламан. Бунинг учун мураббиямининг ўргатган машқларини сидқидилдан бажараман.

**Нурулло НАСРИЕВ.**  
(ЎЗА)

*Ҳаётда қоқилмаслик, бахтли турмуш қуриб, фаровон яшаш ҳар бир инсоннинг орзусидир. Катта ҳаёт остонасида турган ёшларнинг психологларга тез-тез мурожаат қилаётгани муаммоларнинг ортиб бораётганидан эмас, балки илм-фаннинг инсон ҳаётида ўрни кенгайиб бораётганини кўрсатувчи омиллардан биридир.*

## СОҒЛОМ ОИЛАВИЙ МУҲИТ — БАРКАМОЛЛИК МЕЗОНИ

Ёшларни улар ҳали турмуш қурмаслариданоқ мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласи Тошкент молия институтида бўлиб ўтган давра суҳбатининг асосини ташкил этди.

«Соғлом авлод тарбиясида психологик муҳитнинг ўрни» мавзудаги давра суҳбати касбий таълим кафедраси ва институт қошидаги «Кредо» психологик хизмат кўрсатиш маркази мутахассислари ташаббуси билан ташкил этилди.

— Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» аталгани биз, педагоглар зиммасига ҳам қатор вазифаларни қўйди, — дейди «Кредо» психологик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари Фотима Ёқубжонова. — Марказимиз талабалар учун доимо очиқ. Институт талабалар учун мутахассисликдан таълим берувчи маскан бўлибгина қолмай, уларнинг келажак ҳаётларида асқоладиган билимларни берадиган маърифат масканидир. Айни оила қуриш палласида турган ёшларга шахсий масалаларда маслаҳат бериш, руҳан қўллаб-қувватлаш психолог-педагогларга ҳам катта масъулият юкламоқда.

Давра суҳбатида «Узингни англа» психологик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари Замира Алимова ҳам талабаларнинг қатор саволларига жавоб берди. Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда оилавий кадрятларни асраш, соғлом болани тарбиялаш, уни ҳар томонлама етук инсон бўлиб улғайишига кўмаклашиш масъулияти ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она учун энг муқаддас бурч эканлигини давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаб ўтишди.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
«Turkiston» мухбири



Рустам Назарматов олган сурат

■ Ma'naviyat ■

## ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

**Қизилтепа агросервис касб-ҳунар коллежида «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди**

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий вилоят бўлими ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказил-

ган танловда тумандаги касб-ҳунар коллежларидан икки нафардан ўқувчи иштирок этди.

Дастлаб улар таниқли ўзбек адабларидан Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» ҳамда Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асарлари асосида тузилган саволларга жавоб беришди. Ўқувчилар тан-

ловнинг иккинчи шартида мазкур асарлардаги қаҳрамонлар образларини сахна кўринишлари орқали намойиш этишди. Айниқса, «Юлдузли тунлар» романи асосида сахналаштирилган кўриниш томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Танлов натижаларига кўра, Қизилтепа қурилиш

ва уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шаҳриддин Асадов «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг туман босқичи ғолиблигини қўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланма олди.

**Отабек АСЛОНОВ**

■ «Kamolot» sadosi ■

## КУЧЛИЛАР МАЙДОНДА АНИҚЛАНДИ

**Фарғона шаҳридаги «Нефтчи» марказий стадионида**

**академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Камолот» кубоги» республика турнирининг шахар босқичи бўлиб ўтди.**

Мусобақани Фарғона саноат коллежи ва Фарғона академик лицейи жамоалари бошлаб берди. Сўнг майдонга Қирғули қурилиш ва саноат коллежи ҳамда 2-Фарғона ижтимоий-иқтисодиёт коллежи жамо-

алари тушди. Биринчи ўйинда 2:1 ҳисоби билан Фарғона саноат коллежи галаба қозонган бўлса, иккинчи ўйинда 4:3 ҳисоби билан Қирғули қурилиш ва саноат коллежи жамоаси устун келди.

Яқуний натижаларга кўра, Фарғона саноат коллежи жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг вилоят босқичига йўл олди. Шунингдек, мусобақада Фарғона саноат коллежи жамоаси аъзоси Р.Тўхтасинов «Энг яхши ҳужумчи» номинацияси, 2-Фарғона ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг ўйинчиси А.Мўйдинов «Энг яхши дарвозабон» номинацияси соврини сазовор бўлди.

**Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА**

# БУГУНГИ ЎЗБЕК КИНО САНЪАТИГА НАЗАР

## МУТАХАССИС ВА МУХЛИС МУШОҲАДАСИ

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

Шундан сўнг форум меҳмонлари, экспертлар сўзга чиқди. Улар «Кино ва ёшлар» байрами билан барчани табриклашди.

**Жаҳонгир Қосимов, «Ўзбекино» Миллий агентлиги бош директори:**

— Аввало, шундай тадбирни ташкиллаштирган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига раҳмат айтаман.

Ақсарият ёшларимиз «бизга қандай кино кўрсатаёйсизлар?» дея савол беришади. Шундай дамларда айрим бачкана фильмларимиз тилимизни қисқ қилиб кўяди. Энди ўзгарадиган вақтимиз келди. Форумда кино санъатимиз ҳақида ўринли фикрлар бўлишига ишонаман.

**Шухрат Ризаев, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири:**

— Залнинг қай бурчагига кўз югуртирмай, илик, самимий чехраларни кўраёйман. Кўз олдимида битта хонадоннинг яқин кишисидек қиёфалар ўтирибди. Улар бир мақсад, бир манфаат — ўзбек кино санъатининг келажаги учун жон куйдириб, қайғуриб келишган. Бугун кино санъати жамиятнинг қиёфасини белгилайдиган санъатга айланди. Негаки, биз ҳар куни кино билан ҳамнафасмиз. Кино катта таъсир кучига эга. Шу сабаб санъаткорлар маънавий жавобгарликни ҳис қилишлари зарур.

Ҳаракат қошидаги «Етакчи» ёшлар маркази йиғилганларга «Ёшлар ва маънавият: ёшлар тарбиясида замонавий кинофильмларнинг ўрни ва уларнинг маънавий таъсири» тўпламини тарқатди. Тўплам марказ томонидан ўтказилган социологик тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ёшларнинг маънавий қиёфаси, маданияти, одо-бига таъсир этувчи омил — кино санъати, унинг ривожланиш жараёнлари, хусусан, суратга олинаётган бадий фильмларнинг савиясини таҳлил этишга бағишланган. Сўровномада ўттиз мингга яқин респондент қатнашган.

**СЎРОВНОМАДАН НАМУНА**

Сўровномада «Сиз қайси турдаги фильмларни кўпроқ томоша қилишни ёқтирасиз», деган саволга 27 фоиз респондент классик ўзбек киносини деган жавобни белгиланган. Ҳинд киносига эса 26 фоиз иштирокчи овоз берган. «Ўзбек киносига муносабатингиз қандай?» деган саволга 25 фоиз респондент «миллий кино анъаналари бузилаёпти», дея жавоб берган.

\* \* \*

Форумнинг очилиш маросимидаёқ қизгин баҳс-мунозаралар бошланди. Ёшлар бугунги яратилаётган кинофильмлар ҳақида мулоҳазаларини билдирди. Баъзи фильмлар танқид қилинди. Ўз навбатида киноижодкорлар ҳам фикрларини билдиришди. Кимдир кино

санъатига ёзувчилар жалб қилинмапти, деса, яна кимдир кинони миллий маданият даражасига чиқариш керак, деган таклифни билдирди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Нурхон Бозорова хусусий киностудиялар томонидан суратга олина-



ётган «Бойвачча», «Жаноб хотдогчи», «Акажон, хизматингиз-дамиз», «Пайшанбадан пайшанбагача» фильмларининг ўта бачкана эканлиги, унда ўзбек тили меъёрлари бузилганини таъкидлади.

— Фильмдаги қахрамонлар ўзларича «янги тил» яратиб олганлари йўқ. Ҳаётда шундайлар борки, бачкана гапирди. Биз, актёр ва актрисалар мана шундай бўлманглар, дея образ яратамиз, яъни яхши-ёмонни экранга олиб чиқариш бизнинг ҳам вазифамиз, — дейди актриса Гулчехра Эшонкулова.

— Мақсад эзгудир, аммо бу қахрамонга минглаб ёшлар эргашмоқда, — деди бу фикрга қарши Ўзбекистон Миллий университети талабаси Акмал Жумамуродов. — Айрим тенгдошларим қилма деган нарсани қилишга интилади. Шунинг учун нафақат кино савияси, балки унинг психологик таъсирини ҳам ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ.

Фикрлар бир-бирига уланиб кетди. Ҳақиқатан, кино ҳақидаги гаплар шунчалик кўп эканки, танаффус вақтида ҳам тугамади.

**«ШИВИР-ШИВИР»  
ГАПЛАР**

— Афсуски, баъзи фильмлар орқали ёшлар онгини захарлаётганимиз ҳам бор гап, — дейди режиссёр Зебо Наврўзова. — Санъатдаги ишбилармонликни энди бас қилайлик. Фильм олаётганда виждонни йўқотмаслигимиз керак.

— Тўғри айтасиз, — дея ўзаро суҳбатни жонлантди актриса Райҳон Уласенова. — Биз, санъаткорлар ёшлар қалбида салбий дидни шакллантирмаслигимиз керак. Чунки биз санъат билан гўзаллик яратувчилармиз.

— Шу мавзу кўтарилганидан хурсандман. Аммо боя билдирилган фикрларга эътирозим бор: бачкана образлар ҳам кинода бўлиши лозим, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметова. — Негаки, ён-атрофимизда шундай бачканалик бўлмаётими? Шуни биз халққа кўрсатмасак, ким кўрсатади?

Тўпланишиб турган ёшларга юзланамиз. Улар ҳам яна ва яна кино ҳақида гаплашаёпти.

— Яхши фильмларимиз йўқ эмас, кўп, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Шахло Пўлатова. — «Кудук», «Кўрғон», «Жи-



барбандим», «Одноклассники.ру», «Алданган аёл» кинолари ҳам маънан, ҳам эстетик жиҳатдан одамга таъсир қилади. Бироқ бу фильмларни ҳали кўрмаган тенгдошларимиз ҳам бор. Ушбу киноларнинг тарғиботи яхши йўлга қўйилса, нур устига нур бўларди.

— Ҳа, саёз фильмлар қандай қилиб Бадий кенгашдан ўтиб, экран юзини кўраёпти, деган савол ҳам қийнайди, кишини, — дейди Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Элёр Раҳматов.

Қисқа танаффусдан сўнг форум қатнашчилари ўз шўъбаларига йўл олди.

**ҲАММАСИ КИНО ВА  
ЁШЛАР УЧУН**

**1-шўъба — «Бадий кино, кинотехнология, кино танқидчилик ва продюссерлик ҳолати, истиқболлари».**

Шўъба ишини режиссёр Ҳилол Насимов олиб борди. Унда бадий кино, кинотанқидчилик ва продюссерлик иши бўйича маълумотлар берилди. «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан олинган «Кудук» фильми кўрсатилди. Иштирокчилар фильм намойишидан сўнг ўз фикрларини билдиришди.

— Кинотанқидчилик яхши ривожланмаётгани боис режиссёрларда бемалоллик кайфияти мавжуд, — дейди кинорежиссёр Матлуба Искандарова. — Соҳанинг танқидчилари кўп бўлиши керак. Журналистлар ҳам экранга чиқаётган фильмларга муносабат билдириши зарур. Шундагина кино санъатида олға силжиш, ривожланиш бўлади.

Сўнг шўъба иштирокчилари «Агар хусусий кинога ҳам давлат фильмларидек талаб тенг қўйилса, ўзини оқлай оладими?» деган савол доирасида ўзаро баҳслашди.

— Томошабин учун хусусийми ёки давлат киносини барибир, — дейди «Ўзбекфильм» киностудияси оператори Равшан Мусаев. — Шунинг учун ҳар иккисига ҳам талабни тенг қўйиш керак. Соҳада сон эмас, сифат кўтарилсин.

**2-шўъба — «Замонавий ҳужжатли кино».** Унда ярати-



лаётган ҳужжатли фильмлар таҳлил қилинди. Кинолардаги зерикарли сюжетлар, образларни бойитиш таклифи киритилди. Шунингдек, ушбу фильмларни оммалаштириш учун Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликни янада яхшилаш кераклиги айтиб ўтилди.

— Болаларни кино билан тарбиялашни мактабдан бошлашимиз керак, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси Гулруҳ Азимова. — Уларга ўзбек классик киноларини кўрсатиб, маънавиятини юксалтиришимиз лозим.

Қатнашчилар ҳужжатли фильм яратиш санъати бўйича махсус тренингларида ҳам қатнашди.

**3-шўъба — «Адабий сценарий — кино санъати асоси».** Дастлаб режиссёр Юсуф Розиковнинг «Гастербайтер» фильми намойиш этилди. Сўнг мазкур кино сценарийи бўйича фикрлар ўрганилди. Шўъба ишида «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, адиб Эркин

Аъзам адабий сценарий қандай ёзилиши ҳамда унинг талаблари ҳақида гапириб ўтди. Кино соҳасида қалами бор сценарийнависларнинг санокли эканлиги улар ўртасида рақобат йўқлиги таъкидланди. Шўъбада Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ёзган сценарийлар ҳам таҳлил қилинди.

**4-шўъба — «Кинодебют — дастлабки қадам, қисқа метражли кино».** Бунда қисқа метражли киноларнинг вужудга келиш тарихи, бугунги кўриниши ва ундаги ютуқ, камчиликлар ўртага ташланди.

**5-шўъба — «Хусусий кино: ижод, имконият, истиқбол».** Ушбу шўъбада экранларда айланаётган хусусий фильмлар ҳақида сўз кетди. Улардаги сценарий, образ, композиция, адабий тил меъёрлари масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Хусусий кинолар аста-секинлик билан йўқолиб кетмоқда. Ушбу фильмларга ҳеч ким тушмай қўйгандан кейин у кино саноатида қандай яшаши мумкин? Томошабиннинг кинодан узоқлашиши эса айрим кинорежиссёрларни санъатдан сиқиб чиқараёпти, — дейди кинорежиссёр Рустам Саъдиев.

Шўъба ишида хусусий фильмларнинг савиясини кўтаришга қаратилган муҳокамалар ҳам бўлиб ўтди. Ва ниҳоят, баҳс-мунозаралардан сўнг кўпчилик

бир овоздан: «Агар фильм яхши бўлмаса, Бадий кенгаш уни экранга чиқмайди, деган талабни қўйиши шарт», деган хулосага келишди.

**6-шўъба — «Замонавий болалар киноси».** Сўнгги шўъба ишида болаларнинг ёшига мос мультфильм ва кинолар кўпроқ олиниши лозимлиги таъкидланди. Бунинг учун болалар ёзувчиси ва сценарийнависларни тайёрлаш масаласи ўртага ташланди. Кинорежиссёр Сарвар Каримов эса «Болалар» киностудиясини ташкил этиш таклифини берди.

Форумнинг иккинчи кунинида шўъбалар иши давом этди. Ҳар бир йўналиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Режиссёр Жавоҳир Қосимов ва Баҳриддин Айназаровнинг «Кўрғон келди» фильми намойиш этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати эса «Кино ва ёшлар» ток-шоусини ўтказди.

Оқшом қўшиқ ва рақслари билан тунга жойини бўшатди. Бугун форум якунланди. Шу ўй ҳаммамнинг хаёлида айланди-ю, қалбни ўзгача туйғу эгаллади. Чунки уч кун, уч тун, форум бизни шунчалар боғлаб қўйган эканки, бир-биримиздан сира узоқлашгимиз йўқ.

«Кино ва ёшлар» республика форумининг ёпилиш маросими тантанавор ўтди. Фаол иштирокчилар муносиб тақдирланди.

**Алишер Узоқов, актёр:**

— Форум чинакам ёшлар, киночилар байрами бўлди. Биз унда нафақат кино соҳасини таҳлил, талқин қилдик, балки устозларимиздан бу санъатнинг сирларини ўргандик. Танқидга учраган образларимиздан хулоса чиқардик. Келгусида халқимизнинг кўнглидан жой оладиган роллар ижро этишга ҳаракат қиламиз. Ушбу хайрли ишни бошлаган ёшлар ташкилотига раҳмат айтаман!

**Гулчехра Ашурова, Ўзбекистон Миллий университети талабаси:**

— Мазкур форумнинг ҳар икки йилда анъанавий тарзда ўтказилишини хоҳлардим. Чунки уч кун давомидан биз кино олами, табиати билан танишдик. Турли социологик сўровномалар орқали дўстларимизнинг бугунги кино санъатида муносабатини билдик. Таклифларимизни ўртага ташладик.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,  
«Turkiston» мухбири.**

*Рустам Назарматов  
олган суратлар*

Ilm sarhadlarida

# БАКТЕРИЯЛАРГА ҚАРШИ НАНОЗАРРАЛАР

Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти катта илмий ходими Ҳайдар Юнусов маҳаллий хомашё — целлюлоза асосида янги наноструктуралли бактерицид препаратлар яратди. Улар ёрдамида трофик, гинекологик ҳамда куйиш оқибатида содир бўлувчи яраларни даволаш мумкин.

Целлюлоза ва унинг ҳосилалари кимёси ва технологияси лабораториясида профессор Абдушукур Саримсоқов раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бораётган ёш олим дастлаб целлюлозадан янги полимерметалл биоматериаллар синтез қилишга муваффақ бўлди. Улар инсон учун мутлақо безарар бўлиб, организмда тез парчаланadi ва тупланиб қолмайди. Аммо целлюлоза ва унинг ҳосилалари ўз ҳолича бактерияларга қарши курашолмайди. Бу муаммага

**Кумуш 650 дан зиёд зарарли бактерияларни ўлдиради. Антибиотиклар эса уларнинг атиги 5-10 тасини енга олади.**

қахрамонимиз инновацион ечим топди. У илк мартаба полимер таркибида кумуш нанозарраларни шакллантирди.

Кумушнинг бактерицид хосаси қадимдан маълум. Ушбу металл асосида тиббий препаратлар тайёрланиб, кўп асрлар давомида бактерияларга қарши восита сифатида қўлланилган. Антибиотиклар кашф қилингандан сўнг бундай препаратларга қизиқиш камайди. Бироқ бугунги кунга келиб аксарият бактерияларнинг мавжуд антибиотикларга барқарорлиги ошди. Бу илм-фан олдида бактерицид препаратларнинг янги авлодини яратиш вазифасини қўймоқда. Ҳайдар Юнусов томонидан нанотехнология ёрдамида олинган препаратлар таркибидаги наноўл-

чамли кумуш заррачалар материалларда бактерицид хоссаларни пайдо қилиши тажрибаларда исботланди.

— Кумуш 650 дан зиёд зарарли бактерияларни ўлдиради. Ваҳоланки, антибиотиклар уларнинг 5-10 тасинигина енга олади, холос, — дейди Ҳайдар Юнусов. — Металл заррасининг ўлчами кичрайгани сайин юзаси кенгайди, натижада унинг таъсир кучи ҳам бир неча баробар ошади. Шу боис фармокологияда нанозарралардан фойдаланиш кўпроқ самарага эга. Лабораторияда уларни кимёвий усул билан кумуш тузларидан парчалаб олдик. Тадқиқот давомида наноструктуралли, биопарчаланувчан, бактерицид препа-

ратларнинг бир неча турини яратдик. Дастлабки иккитаси — «Баксергель» ва «Аспайк» гидрогелларидир. «Баксергель» ички ва ташқи яралар, куйган ва гинекологик яраларни даволаш, «Аспайк» жаррохлик амалиётида бактерицид восита сифатида қўллашга мўлжалланган. Жаррохлик амалиёти чоғида бемор ички аъзолари юзасидаги шиллик парда кесилади. Бора-бора ушбу ҳолат ички аъзоларнинг бир-бирига ёпишиб қолиши ва ярага айланиши, гинекологик аъзоларни эса бепуштлиққа олиб келиши мумкин. «Аспайк» гели бундай оқибатларнинг олдини олади. Гидрогель ноҳўя таъсирларга эга эмас, осон сўрилади ҳамда биопарчаланувчандир.



Айни вақтда «Баксергель» ва «Аспайк»ни Тошкент тиббиёт академиясида клиник синовдан ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Жорий йилда препаратларга патент олиш, 2016 йилдан бошлаб эса уларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Ҳайдар Юнусовнинг инновацион тадқиқоти доирасида ишлаб чиқилган навбатдаги бактерицид препарат — «Нанодер» плёнкаларидир. Плёнка таркибидаги барқарорлаштирилган кумуш нанозарралар куйишдан ҳосил бўлган яраларни самарали даволайди. У фойдаланишда ниҳоятда қулай, бошқа муқобил препаратлар, айниқса, турли суртмалардан фарқли ўлароқ, анча арзон, ярани бактериялар тушишидан ҳимоялайди, яранинг юзасини шикастламайди, уни қуруқ сақлайди ва битишини тезлаштиради. Худди шундай наноструктуралли препарат кукун (гра-



чиқарилди. Махсулотни яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган анъанавий VII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тақдим этдик. Қизиқувчилар кўп бўлди, — дейди ёш иxtирочи олим. — Бактерицид пайпоқлар оёқ терлашини камайтиради, замбуруғлар ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади ва қўлданс ҳидни йўқотади. Уларни ўттиз мартабагача юшиб ишла-тиш мумкин. Бактерицид пайпоқларни шу йили «Silvertex» корхонасининг махсус дўконларида сотувга чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Ҳозир кумуш нанозарраларни аёллар ва эркаклар ички кийимларида табиқ этиш бўйича тажриба олиб боряпман.

Ҳайдар Юнусов қирқдан ортиқ илмий мақола ва тезислар муаллифи. Полимер асосли наноструктуралли, бактерияларга қарши препаратлар ҳамда биоматолар олиш технологияси юзасидан бир қатор мақолалари АҚШ, Ҳиндистон ва Россия давлатларида эълон қилинган. Ёш тадқиқотчи изла-нишдан тўхтамайди. Ўткир ақл,

нулалар) ҳолида ҳам ишлаб чиқилган.

Қахрамонимизнинг иxtиролар арсеналида бошқа бир қизиқарли топилма ҳам бор. Гап бактерияларни йўқотувчи кийим-

**Маҳаллий целлюлоза хомашёси асосида юртимизда яратилган бактерицид препаратлар ёрдамида трофик, гинекологик ҳамда куйиш оқибатида пайдо бўладиган яраларни даволаш мумкин.**

кечак турлари ҳақида бормоқда. Ҳайдар Юнусов Ўзбекистонда биринчи мартаба матоларда кумуш нанозарраларни шакллантириш технологиясини яратди. Янги усул даставвал пайпоқларда синаб кўрилди.

— Пайпоқларнинг минг жуфти синов варианты сифатида институтимиз қошидаги «Silvertex» корхонасида ишлаб

новаторлик ва тадбиркорлик хусусияти уни янги инновациялар яратишга ундамоқда. Юртимиз илм-фанининг истиқболи ана шундай иқтидорли ёшлар қўлида.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири.  
Александра Спиридонова  
олган сурат.

Jarayon

## ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юртишлари учун барча шароитлар яратилган.**

Тадбиркорлар манфаатининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминлангани натижасида бу соҳада катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Иқтисодий ҳусусий секторнинг улуши ортиб, янги янги иш ўринлари яратилаётгани, энг аввало, аҳоли фаровонлигига хизмат қилаётир.

Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада улкан ишлар қилинмоқда. Корхоналарда иш қизгин. Эътиборлиси, уларда ёшлар ҳам енг шимариб меҳнат қилишяпти. Қарши шаҳрида вилоят аҳолисининг озик-овқат махсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида ишга туширилган 13 та корхонада ҳам замонавий асбоб-ускуналарни бошқараётган ёшларни кўрасиз. «Бар-

қарорлик», «Лайло файз», «Оксон инвест плюс», «Давр зийнати», «Сафон» каби корхоналарда нон ва нон махсулотлари, колбаса, сут махсулотлари тайёрланиб, шаҳардаги савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Вилоят марказида энгил саноат корхоналари сони ҳам кундан-кун кўпайиб борапти. Бу йўналишда яна саккизта лойиҳа амалга оширилди. Биргина пилла хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган «Радионсилк» кўшма корхонасида 75 нафар йигит-қиз бандлигини таъминлашга эришилди. Шунингдек, «Ликало фурнитура комфорт», «Коттон роад», «Чевар», «Санам» каби меҳнат жамоаларида ҳам шаҳардаги касб-хунар

коллежлари битирувчилари меҳнат қилмоқда. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилган махсулотлар аҳоли эҳтиёжини қондириш билан бирга хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, табиийки, қурилиш материалларига бўлган талабни орттирмоқда. Қисқа фурсатда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи йигирма учта лойиҳа амалга оширилгани натижасида 246 нафар ёш учун янги иш ўринлари яратилди. «Грант плитка», «Озодлик капитал таъмир», «Шайхали тайёрлов савдо», «Қарши темир бетон сервис», «Давр темир бетон» масъулияти чекланган жамиятлари ўз маблағлари ҳисобидан янги техник жиҳозлар ўрнатганлари туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бораётир.

— Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушиши натижасида вилоятнинг иқтисодий салоҳияти юксал-

моқда, — дейди Қарши шаҳар иқтисодиёт бўлими бошлиғи Анвар Аҳмедов.

Дарҳақиқат, бугун вилоят маркази тубдан янги қиёфа касб этиб, гўзаллашиб бормоқда. Шаҳарда фаолият кўрсатаётган корхоналарда маҳаллий хомашёдан махсулот ишлаб чиқариш билан бирга ярқисиз махсулотларни қайта ишлаш соҳалари ҳам ривожланыпти. Мебель, полиэтилен, спорт анжомлари ишлаб чиқараётган корхоналар билан бир қаторда автомобилларнинг ярқисиз резина шиналаридан янги турдаги махсулот олаётган тадбиркорлар ҳам бор. Бу эса тадбиркорлар сафининг кундан-кун кенгайиб бораётганини, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда йигит-қизларнинг доимий иш билан бандлигини кўрсатади.

**Шавкат КАРОМОВ,**  
«Turkiston» мухбири

# ШУ ЮРТГА БОҒЛАНГАН КЎНГИЛЛАРИМИЗ!

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

Мўйноқда бизни сон-санок-сиз тенгдошларимиз қарши олди. Тарғиботчилар гуруҳи аъзолари илк таассуротларини ўртоқлашдилар.

Улар Мўйноқда фаолият кўрсатаётган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази фаолияти билан танишиб, Марказ тўғрақларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрғазмасини томоша қилишди. Туман хокими Қудайбергенов Утениязов меҳмонларни туман тарихи ва бугуни билан таништирди. Бу ерда асосий эътибор кўкаламзорлаштириш, дарахтлар кўпайтиришга қаратилган. Туманда чорвачилик, балиқчилик асосий даромад манбаи ҳисобланади. Бу йил туманда 500 гектардан зиёд майдонда галла ҳам экилибди. Бугунги кунда Мўйноқда 16 мингдан зиёд ёшлар истиқомат қилади. Худудда қад ростлаган шинам ва замонавий касб-хунар коллежлари, ЁИХМ ҳавасни уйғотади. Тарғиботчилар иштирокида «Сиз севган қаҳрамонлар» лойиҳаси, «Экология ва ёшлар» мавзудаги иншоолар танлови ташкил этилди. Туманнинг фаол ва иқтидорли ёшларига эсдалик совғалар топширилди.

Мўйноқ ёшлари ғоятда бахтиёр эдилар. Таниқли кино ва театр актёрлари билан мазмунли суҳбатлар, эстрада хонандаларининг дилбар куй-навалари фестивални беизади, фотоальбом дилкаш лаҳзаларни бир умрга муҳрлаган суратларга тўлди. Ёшлар фестиваллари баҳонасида сиртига бир оз чанг иниб қолган «Дастхатлар дафтари» ҳам жавондан олинди. Уларга эл-юрт назаридаги инсонларнинг энг сара тилаклари битилди.

## СУВНИ ТЕЖАШ — ҚАДРИЯТ

Тўлқинлари Мўйноқни ювиб турган, ўртача чуқурлиги 40-50 метр бўлган Орол денгизининг бугун шаҳардан деярли 350 чакрим узоклашгани таассуфли. Маълумотларга қараганда, бугунгача Орол денгизининг 5 миллион гектар майдони қуриган. Мўйноқ портидаги рамзий майдонга кириб борар эканмиз, кўз ўнгимизда — қақраган саҳрода, портдан чамаси 30-40 метрлар куйида қачонлардир денгиз узра сузиб юрган, айни дам кумга ботиб қолган кекса балиқчи мисол кўҳна кемалар намойён бўлди. Булар қачонлардир бу ерда мавжланиб турган денгиз тўлқинлари билан қувлашган, мўйноқликларга ризқ-рўз етказган. Энди эса, мана, улар ярим асрдан буён ёри йўлига сабр-тоқат билан кўз тиккан умидвор ошиқлар каби вақтдан устун келишга уринмоқдалар. Негадир, ҳамма сукутга чўмди. Тарғиботчилар кемаларга тикилганча Орол денгизи тўғрисида хаёлга толдилар. Саҳро узра гуввиллаб, шўрхок кўмни тўзғитиб эсаётган шамолнинг ҳам энди кемалар учун аҳамияти йўқдек. Бу ерда ташриф буюрган сайёҳ сув ҳаётининг манбаи эканлиги, уни қадрлаш, тежаш нақадар улғу қадрият эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлади.

## ОРОЛ ҚИЗИ — АРАЛЕНЗИС!

Кўпчилигимиз Орол денгизи тўғрисида уйлар эканмиз, негадир, кўз ўнгимизда ҳаётдан нишон йўқ саҳро ўтади. Аслида ундай эмас. Ўз-ўзини даволаш табиатга хос. Орол денгизининг суви қуриган ерларида янги ҳаёт — Оролқум пайдо бўлди. Бу бепоён тўқайда шўрхок ерда ўсишга мослашган сон-саноксиз ўсимликларни учратасиз. Улар нафақат ўсиш учун, ён-атрофдаги тузни атрофга тарқамаслиги учун ҳам курашишади. Туз орасидан ўсиб чиққан қарамағўйшаб кетадиган ўсимликни кўриб ҳайратландик. У япалоқ ва кенг барглари ёрдамида туз қатламини шамолдан ҳимоя қилиб ётибди. Яна бир — юлғунга ўйшаб кетадиган бутанинг бош бармоқдан сал қалинроқ, 8-10 метр келадиган, узун-узун арқонга ўйшаб новдалари шўрхок



ерга қапишганча атрофдаги тупроқни маҳкам ушлаб турибди. Ёшлар фестиваллари тарғиботчилари орасида Оролқумнинг ўсимликлар дунёсини биринчи бўлиб ўрганган, Фанлар академиясининг ёш олими Санжар Шеримбетов ҳам бор. Бу минтақадаги ўсимлик турлари, уларнинг мослашув ва ривожланиш жараёнини тадқиқ қилаётган олим бугунга қадар Оролқумда икки юздан зиёд ўсимликларни ўрганишга муваффақ бўлган. Ёш олимнинг айтишича, тўқайзорларда туёқли жониворларни ҳам учратиш мумкин. Яна бир муҳим факт — илмда илк мартаба аниқланган *Climocoptera Aralensis* ўсимлиги ҳам илк мартаба Оролқумда ўрганилган ва у фақатгина шу худудда ўсади.

**1 май, 16:00.** Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка худудидеда ўтган ёшлар фестивали тарғиботчилари Мўйноқ туманидан қайтиб, Кўнғиротга киришди. Стадионда тўпланган мухлислар, ёшлар олқишлари остида лойиҳаларга старт берилди. «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» шиори остида ўтган спорт мусобақаларида туман ёшлари билан бир қаторда, кино ва театр намояндалари, эстрада хонандалари фаол иштирок этдилар. «Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти» лойиҳаси доирасида ўтган суҳбатда «оммавий маданият», аслида маданиятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизликни тарғиб этиши, охир-оқибат инсонни худбинлик ботқоғига фарқ қилиши, бу каби «маданият» инкви-



итлар, имкониятларнинг чегараси, сон-саногий йўқ, Тикувчилик, сартарошлик, пазандалик, мусиқа, рақс, жисмоний тарбия ва яна бошқа ўндан зиёд тўғрақларда тарбияланувчилар профессионаллар каби шуғулланаётганига гувоҳ бўлдик. Бироздан кейин биз бу тўғрақларнинг натижасига амалда гувоҳ бўлдик. Ёшларни хурсанд қилиш учун борган санъат аҳли ҳам саҳнадаги тарбияланувчилар ижросидан ҳанг-манг бўлишди. Изоҳга ҳожат йўқ эди. Куй-қўшиқлар, бир неча миллатлар рақси, айниқса, Чарли Чаплин қиёфасига кириб, майда қадамлари ва чиройли ҳаракатлари билан ҳаммани лол қолдирган болакайнинг истеъдодини кўриб, ҳаммамизнинг кўзимиздан секин ёшларни чиқиб кетди.

Бизни яна бир нарса ўзига тортди — Меҳрибонлик уйи директори Светлана Михайловна Соннинг қучоғи болажонлардан бўшамас эди. Улар алмашиб-алмашиб — бири ўтириб, бири тушиб ва яна бошқаси ўтиради. Светлана опанинг меҳрибонлигини кўриб, одамнинг кўнгли бўшашиб кетади, баъзида икки-уч боласининг шўхликлари ё инжиқлигидан нолиётган ота-оналарни ўйлаб қоласиз.

Тасаввур қилинг, қўлингизга ер юзи харитаси тушиб қолди. У ердаги мамлакат ва шаҳарлар номларини ўқийсиз, кейин қизиқиб қоласиз ва интернет тармоғи орқали ўша ердаги халқлар турмуш тарзи билан танишасиз. Бугунги ривожланган замонда буни ақлга сиғдириш қийин эмас.

Меҳрибонлик уйида Президентимиз ташаббуси билан ҳашаматли сузиш ҳавзаси қад ростлаган. У ердаги шароитлар билан танишаётиб, мураббийни ҳам учратдик. Саломлашсак, негадир, у тинмай қаддини эгиб, японлардек кўриша бошлади. Кейин билсак, Мико хоним сузиш бўйича мураббий экан. Юртимиз ҳақида кўп ўргангач, келишга қарор қилган. Меҳрибонлик уйи ходимларининг таъкидлашича, Мико хонимнинг Меҳрибонлик уйидаги шогирдлари бугун нуфузли сузиш мусобақаларида фаол иштирок этишаётган экан.

Фестивалнинг учинчи кунини Нукус шаҳридаги Амет Бахши номидаги 18-мусиқа мактабига бордик. Қорақалпоқ достонлари, миллий мусиқа асбобларида куйланган куй-қўшиқлар бу

заминда улғайиб келаётган авлодни бизга таништирди. Айниқса, Камолбой Алимбаев ижросидаги ўланнинг оҳанглари дилнинг энг нозик торларини ҳам чертиб, қойил қолдирди.

Шу кунини Нукус шаҳридаги амфитеатрда уч кун мобайнида Қорақалпоғистон шаҳар ва туманларида бўлиб ўтган ёшлар фестивалининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосари Атажан Ҳамроев, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Сарвар Ашуров сўзга чиқиб, бугун юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал салоҳияти юқори ҳамда профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларга сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шартини ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажигини таъминлаши мумкинлигини, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» асосида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари яратилганини, уларнинг салоҳияти, истеъдодини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг мустақам механизми шакллантирилганини таъкидлашди.

**4 май, 12:25.** Харсанглар улкан тоғларга, гугурт қутилари баланд биноларга, ипак мисол ингичка иплар кенг ва раво йўлларга, адоқсиз думини судраб кетаётган илонлар узун-узун дарёларга айланди.

Леонардо да Винчи самога бир мартаба кўтарилган одамнинг кўзлари бутун умр у ерда қолиб кетади, деган эди. Аммо бизнинг кўнглимиз самодда қолгани йўқ, ахир, у бутун борлиги билан шу азиз заминники, юртники! Уч кун мобайнида «Камолот»нинг аҳил жамоасига айланган тарғиботчилар Тошкент халқро аэропортида хайрлашаётиб, бир-бирини самимийлик билан бағрига босар экан, барчанинг қалбида биргина илинж — кун келиб бизни бирлаштирган, дўст қилиб қўйган шу каби учрашуларда яна дийдорлашадан умидворлик ҳисси бор эди.

Шухрат САТТОРОВ,  
журналист

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИНИНГ «КАТТА ОЙИСИ»

Меҳрибонлик уйи худудига киришингиз билан у ердаги тафтини ҳис қиласиз. Миллий малақай, киймешекда пешвоз чиққан ўғил-қизлар меҳмонларни нон ва туз билан қарши олдилар. Меҳрибонлик уйи бўйлаб уюштирилган саёҳат барчани ҳайратда қолдирди. Шарт-шаро-

# ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙСИЗ...

1943 йил 4 ноябрь санаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил топган кун сифатида ёдимизда қолган. Иккинчи жаҳон урушининг оғир йиллари бўлишига қарамасдан, Ватанимиз илм-фан тараққиётининг тўхтаб қолмаслиги учун ва республиканинг интеллектуал салоҳиятини ошириш йўлида меҳнат қилган, заҳмат чеккан олимларимиз бисёр. Уларни ёд этиш — ҳозирги тинч, фаровон кунларимиз қадрини баҳолашга имкон беради. Фанимизда эришилаётган улкан ютуқлар замирида эса фидойи устозларимизнинг жасорати ётганлигини яна бир бор ҳис этамиз ва гурурланамиз.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил этилган илк йилларда унинг аъзоси сифатида халқ қорига яраган ва ўша даврда илм-фанни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган йирик фан арбоблари ва фидойи олимларимизни эслаш биз, авлодларнинг бурчимиздир.

Фанлар академиясининг ўша вақтдаги аъзолари — шоир ва адиб Ойбек, халқ шоири Фафур Фулом, геолог Ҳ.Абдуллаев, файласуф И.Мўминов каби буюк устозларимиз номларини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Саноат учун хомашё манбаларини қидириб топиш мақсадида геолог олимлар жуда қисқа муддат ичида қалай, вольфрам, молибден, нодир металллар, нефть, тошкўмир, оловбардош материаллар ва бошқа турдаги хом-

ашё конларини топдилар, бу конлар тезда ўзлаштирилди. Темир руда конларининг топилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ишларда, айниқса, академик Ҳабиб Абдуллаевнинг хизматлари катта бўлди. Унинг геология, жумладан, бу фаннинг петрология-металлогеник тармоғи соҳасидаги тадқиқотлари Ўзбекистондагина эмас, балки чет мамлакатларда ҳам эътироф этилди. Ҳабиб Абдуллаев руда пайдо бўлиш жараёнларининг магматизм ҳамда бу жараёнлар рўй берадиган геологик муҳит таъсири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини аниқлади. Ушбу олимнинг геологияга оид назарий фикрлари амалиётда тасдиқланди. У биринчи бўлиб Ўрта Осиёни алоҳида металлогеник маҳсус провинция сифатида аж-

ратди. Скарнлар тузилиши, руда учрайдиган ва руда ҳосил бўладиган скарнлар мавжудлиги қайд этилди. Ҳабиб Абдуллаевнинг рудаларнинг гранитоид интрузиялар билан боғлиқ равишда ҳосил бўлишига доир асарлари илмий мунозарага сабаб бўлди.

Ҳ. Абдуллаев 1956 — 1962 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти лавозидда хизмат қилиш билан бирга, йирик илмий тадқиқотлар олиб борди, юқори маънавий илмий ходимлар тайёрлашга алоҳида эътибор берди.

Урушнинг оғир, синовли йилларида Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультети базасида фармацевтика заводи ишга туширилди. Тиббиёт олимлари ярадорларни тез тузатиш, газдан заҳарланиш, қарахликни даволаш усулларини яхшилаш, жарроҳлик, нейрохирургияни такомиллаштириш соҳаларида самарали ишлар олиб бордилар. Бунда А.Аскарлов, Г.Абдуллаев каби шифокорларнинг қўшган ҳиссалари, айниқса, юқори бўлди.

Биология, ботаника соҳасида олимлар қишлоқ хўжалигида ғўза, буғдой ва қанд лавлагини алмашлаб экиш усулини жорий этдилар. Бу республиканинг ўз озик-овқат базасини яратиш ва ғўза ҳосилдорлигини оширишга имкон берди. Янги-янги ғўза навлари етиштирилди. Ўзбек олимлари боғдорчилик, узум-

чилик соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар. Марказий Осиёда етиштириладиган буғдойнинг мингдан ортиқ навлари, уларнинг ҳосилдор навларини ажратиш олиш борасида қатор илмий изланишлар олиб борилди.

Йирик файласуф олим, жамоат арбоби, Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Мўминовнинг жасорати биз авлодларга ибрат, намунадир.

Иброҳим Мўминовнинг илмий фаолиятига собиқ тузум ўз таъсирини кўрсатган бўлса-да, унинг тадқиқотлари марказида Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий ҳамда илмий-табиий фикрлари муаммолари турганлиги натижасида, аллома фалсафанинг ўта сиёсийлашуви, уни ҳукмрон мафкура хизматида тамомла бўйсундириш хуружларини четлаб ўтиш имкониятига эга бўлди. У Навоидан Аҳмад Донишгача бўлган йирик мутафаккирлар ижодини таҳлил қилди. Айниқса, Бедил ижодини чуқур ўрганиб, унинг меросини тушунишни анча енгиллаштирди. Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асари, умуман, Амир Темур шахсини илмий ўрганиш ташаббуси билан чиқиши олимнинг илмий жасорат ва юксак ватанпарварлик фазилатининг

ёрқин ифодаси бўлди. Олим Фарб фалсафасини ҳам ўрганди.

Иброҳим Мўминов Ўзбекистонда илм-фаннинг йирик ташкилотчиси. У, айниқса, ижтимоий фанларни ривожлантиришга — янги тадқиқот муассасаларини ташкил этиш, илмий кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди, унинг раҳбарлигида турли фан соҳалари бўйича йирик асарлар нашр этилди. Олим Ўзбекистонда фалсафа мактабига асос солди.

Халқимизга хос меҳнаткашлик, сабр-қаноат, жасорат каби юксак фазилатларга эга бўлган ўзбек олимлари, фан арбоблари, устозларимиз оғир шароитларда ҳам излаш ва кашфиётлар қилишдан тўхтамадилар. Ватан учун ўз иқтидор ва истеъдодларини аямдилар.

Шарқ тафаккурининг буюк намояндalари, бугунги алгебра фанининг асосчиси Мусо ал-Хоразмий, «Шарқ Арастузи» деб ном олган Абу Наср Форобий, қомусий олим Абу Райҳон Беруний, машҳур ҳаким Абу Али ибн Сино, буюк астроном, ўрта асрларда йирик расадхона бунёд этган Мирзо Улугбек сингари олимларимиз фузалолар авлодлари эканлиги, Ватан келажиги буюк, эртаси эса янада нурафшон бўлиши тайин.

**Сабоҳат ТОШПҲЛАТОВА,**  
Ўзбекистон Фанлар академияси геномика ва биоинформатика маркази тадқиқотчиси

## Ustoz-shogirdlik an'anasi

# ТАЖРИБАНГИЗГА СУЯНАМИЗ

Фурқат агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежида 1593 нафар қишлоқ ёшлари беш йўналишда касб ва хунар сирларини ўрганишяпти. Ёшларга мураббийлик қилаётган 110 нафардан ортиқ педагогнинг етмиш фоиздан ортиғи ёш ўқитувчилардир. Уларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, педагогик маҳоратларини ошириш учун устозлар кўмагига таянилади.



Бу борада Зумрадхон Мирзаева, Маликахон Раҳмонова, Тоҳиржон Ҳамдамов ва Мўминжон Деҳқонов каби кўп йиллик педагогик тажрибага эга устозлар ёш ўқитувчиларнинг билим ва тажрибасини ошириш йўлида заҳмат чекишмоқда.

Ўз навбатида, ёшлар ҳам таълим жараёнларига илғор педагогик технологияларни жорий

этиш, ўқитишнинг янги усулларини қўллаш бўйича ўз билим ва маҳоратларини кўрсатишяпти. Жумладан, рус тили фани ўқитувчиси Диёра Умматова, информатика фани бўйича Дилшоода Ҳайдарова ҳамда она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси Дониёржон Маттибоев каби янгиликка интилувчан ёшларнинг бу борадаги амалий ишлари

дарс самарадорлиги ва ўқувчиларнинг касбга, фанларга бўлган қизиқишлари ортишига асос бўляпти.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» муҳбири  
**СУРАТДА:** тажрибали педагог Зумрадхон Мирзаева ёш ўқитувчиларга ўз тажрибасини ўртоқлашяпти.

## Hayot — maktab

Бола гала-говур, бақир-чақирдан уйғониб кетди. Бир пас кўзларини уқалаб турди-да, кейин атрофга аланглади.

# БОЛА ТИЛАГИ

Ичкари хонага кириб кўз югуртирди. Хонада ҳеч ким йўқ. Шовқин айвондан келган эди. Бир муддат бошини қуйи солганча ўтирди. Отасининг кунора ичиб келиб жанжал кўтариши уни ҳайратга солар эди. Нега? Илгари ҳам шундаймиди?

Бола шу алфозда анча ўтирди. Бу орада шовқин-сурон ҳам тинди. Ўрнидан турди. Айвон томонга юрмоқчи бўлиб қадам ташлади, лекин фикридан қайтди. Хонаси томон йўналди. Миясига келган фикрдан қувониб кетди. Стол устида турган сумкасини олди. Уни очди, ичидан қоғозга ўралган бир нимани олди. Кейин айвонга чиқди. Айвонда ҳеч ким йўқ эди. Хайрият, отам ухлаб қолибди, шекилли, айвонга кирмабди, демак, у сўрида, деб ўйлади бола. Шифт кўзига яхши кўринди. Унга қўлини чўзди. Етмади. Ўртада хонтахта турар эди. Уни икки қўллаб ушлаб ичкарига сурди. Сумкасидан қоғозга ўралган кичкина бўрни олиб хонтахтага чиройли қилиб: «Бу оилага тинчлик керак» деб ёзди. Ёзганига бир кун назар ташлади. Хонтахтани жойига сурди. Ёзувга тикилди. Яна бояги саволлар қуршовида қолишдан кўрқандай кўзларини юмиб олди. Кўзини очиб-юмиб уйқуга кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Хона эшиги очилиб, онаси кирди. Кўзи хонтахтадаги ёзувга тушди-ю, узоқ ўйланиб қолди... Эртаси кун бу ёзувни отаси ҳам кўрди.

Ўша кундан бошлаб бу хонадондан ҳам фақат жарангдор кулгилар янграйдиган бўлди. Бундан ҳаммадан ҳам кўра бола хурсанд эди.

**Гулҳаё ЎРОЛОВА,**  
Бекобод қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси

Iste'dod

## «ҚАЛДИРҒОЧ»НИНГ ПАРВОЗИ

Ўртачирчиқ туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактабида иқтидорли болалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур билим маскани 2011 йилда капитал реконструкциядан чиқарилган, моддий-техник базаси янада мустаҳкамланди. Ўқиш истагини билдирган ўқувчилар сони янада ордиди. Ҳозир ушбу даргоҳда 250 нафар иқтидорли бола дарсдан сўнг қизиққан йўналишлари бўйича мусиқа ва санъат силларини ўрганишяпти.

Мактабда ўзбек ва рус чолғу-асоблари, эстрада ва анъанавий кўшиқчилик ҳамда хореография бўйича таҳсил олаётган ўқувчи-

лар туман ва вилоят миқёсида ўтказиладиган байрам ва тадбирларда фахрли ўринларни эгаллаб келяпти. Халқ таълими аълочиси Зокиржон Ўтаев раҳбарлигида шуғулланаётган «Қалдирғоч» рубобчилар ансамбли эришаётган ютуқлар, аynиқса, салмоқли. Ёш соҳаблар яқинда ўтказилган ёш санъаткорлар иштирокидаги халқаро танловда гран-при соҳиби бўлдилар.

Ансамблнинг иқтидорли аъзоларидан бири

Мардон Зикриёев Муҳиддин Қориёқубов номидаги танловнинг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, босқичига йўлланма олди.

— Тўққиз ёшимдан рубоб чалишни бошлаганман. Устозим Зокир Ўтаевдан рубоб чалишини кунт билан ўрганаётман. Ҳозир йигирмадан ортиқ ўзбек халқ куйларини маромига етказиб чала оламан. Аynи пайтда машҳур жаҳон композиторларининг асарларини ҳам ўрганаётман, — дейди Ўртачирчиқ туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 5-синф ўқувчиси Мардон Зикриёев.

Мазкур болалар му-

сика ва санъат мактабида бундай ютуқларга эришаётган иқтидорли ўқувчилар кўп. Ўтган йили эстрада хонандалиги йўналиши ўқувчиси Райҳона Аҳмадхўжаева «Камалак» юлдузлари болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида фахрли ўринни эгаллади.

Устоз Зоя Ахунзянова раҳбарлигидаги «Азия» раққоса қизлар гуруҳи Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика танловининг вилоят босқичида «Кўғирчоқ» рақси билан қатнашиб, фахрли ўринга сазовор бўлди.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**

Nurli tuyg'u

## ТОҒАМНИНГ ЎГИТИ

Хар гал Хотира ва қадрлаш кунни онам иккимиз тоғамнинг қабрини зиёрат қилишга борамиз. Бу қутлуғ сана бизга ўтмиш кунларимизни, ширин хотираларни ёдга солади.

Ёсимда, тоғам жуда меҳрибон, софдил, меҳнаткаш йигит эди. Уларниқига борганимизда, у киши ўзига сиғмай кетар, биз, жиянларини бағрига босиб эркаларди. Мен, тоғам фақат бизни шундай яхши кўрса керак, деб ўйлар эдим. Бироқ кейинчалик билдимки, тоғам барча яқинларига шундай меҳрибон бўлган экан. Буни бугун уни соғиниб эслайдиган қариндош,

дўсту биродарларининг сўзларидан пайқайман.

Ҳаммадан ҳам у кишини яхши биладиган онамнинг айтишича, тоғам ёшлигидан китобга қаттиқ меҳр қўйган экан.

— Азим тоғанг фаройиб бола эди. Ўйинқароқликни ҳам, шўхликни ҳам, китобхонликни ҳам бирдай урдаларди, — дея жилмайишга уринса-да, кўзларидан нам қалбидаги азобли соғинчни билдириб турганини сезмай сўзлайди онам. — Кўча чангитиб ўйнаб келарди-ю, сўнг овқатлангач, мутолаага шўнғирди.

Онамнинг айтишича, тоғам ўқишга кириш учун астойдил ҳаракат қилган. Интилишлари зое кетмай, у Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга кирган.

Талабалигида ҳам билими, одохлақи билан устозлари, сабоқ-

дошлари ҳурматини қозонган. Ақлли, хушмуомала, хушфеъл тоғамни дўстлари жуда яхши кўрар экан. Бир йигит бўлса, Азим тоғангдек бўлади-да, дейишади ҳозир қариндошларимиз. Афсуски, шундай йигитнинг умри қисқа экан...

Бугун тоғам орамизда жисман йўқ бўлса-да, у киши уни билган, таниган, яхши кўрган инсонлар тилида, дилида яшамоқда. Ҳамма уни ўзича меҳр билан эслайди. Мен ҳам уни соғинаман, яхши кўраман, албатта. Бироқ у кишидан менга ёдгор бир сўз бор. Жиян, аълочи бўл, ҳар доим зўр ўқи. Шунда сен етмаган мақсад, сен забт этмаган чўққи қолмайди. Эсингдан чиқарма, деган эди.

Мен қачон қўлимга китоб олсам, қачон ўқишга отлансам, ана шу сўзларни эслайман. Ва ҳамиша тоғамнинг насиҳатларига амал қилишга ҳаракат қиламан.

**Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ,**  
**ТДЮУ қошидаги академик лицей ўқувчиси**

Reklama



## ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

1. «Халқаро ҳуқуқ» ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси катта ўқитувчиси.
2. «Халқаро ҳуқуқ» ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси ўқитувчиси.
3. «Шарқ тиллари» кафедраси ўқитувчиси.
4. «Романо-герман тиллари» кафедраси катта ўқитувчиси.
5. «Романо-герман тиллари» кафедраси ўқитувчиси.
6. «Халқаро муносабатлар» кафедраси доцент.
7. «Халқаро муносабатлар» кафедраси катта ўқитувчиси.
8. «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси ўқитувчиси.

9. «Халқаро савдо ва инвестициялар» кафедраси катта ўқитувчиси.

10. «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ» кафедраси катта ўқитувчиси.

11. ЮНЕСКОнинг «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларига танлов эълон қилади.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Мустақиллик — 54 манзилида қабул қилинади.

**Телефон: 267-65-40.**



## Антиқа велосипед

Канаданинг Торонто шаҳрида янгича велосипед ясалди. Ахборот технологиялари университети талабалари лойиҳаси асосида тайёрланган велосипед смартфон орқали ҳаракатланади.

Рулдаги led лампалар бурилиш олдидан автоматик тарзда ёниб-ўчади. Транспорт воситасига махсус сенсор тормоз системаси ва вибромотор ўрнатилган. Бу технологиялар билан велосипед керакли пайтда автоматик тарзда тўхташи ёки тезлигини ошириши мумкин. Мутахассислар бундай велосипедлар қулоқчин орқали мусиқа эшитиб ҳайдайдиганлар учун бирмунча хавфсизлигини айтишмоқда.

Яна бир жиҳати, уни ўғирлашганда ҳам махсус дастурлар орқали топиш мумкин. Ҳозирча бу велосипедларни фақат «iOS» ва «Android» операцион тизими билан бошқарса бўлади.

## Поезд фалокати

Ҳиндистоннинг Маҳараштра штатида локомотив ва тўртта вагон рельсдан чиқиб кетди. Натижада 19 киши ҳалок бўлди, 57 киши турли даражада тан жароҳати олди.

Қутқарувчилар жабрланганларни тоза ичимлик суви, тиббий ёрдам воситалари ва транспорт билан таъминладилар. Воқеа Мумбай шаҳридан 110 километр узоқликда эрталаб соат 9:30 да содир бўлган.

Аynи пайтда темирйўл маъмурияти ҳалок бўлган йўловчиларнинг оилаларига 3300 АҚШ долларида товон пули тўлашини маълум қилган.

## Кўчирмакашлик оқибати

«Apple» ва «Samsung» уяли телефон компанияларининг бир-бирига қарши патент даъволари судда кўриб чиқилди.

Суд қарорига мувофиқ, иккита патентни кўчирган «Samsung» 119,6 миллион АҚШ доллари, битта патент ўғриси ҳисобланган «Apple» эса 158,4 минг АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилди.

Эслатиб ўтамыз, аввалига даъво аризасида бешта патентни бузган «Samsung»дан «Apple» 2,2 миллиард доллар, «Samsung» эса рақибидан 6,9 миллион доллар талаб қилган эди. Айнан қандай патентлар кўчирилгани ҳозирча ошкор этилмади.

## Маслаҳатли тўй тарқамас...

Хитойнинг Гуандун провинциясида қурилаётган кўприк қулаши натижасида ўн бир киши ҳалок бўлди.

Қутқарувчилар вайроналар остидан 27 кишини чиқариб олишга муваффақ бўлди. Беш киши воқеа жойининг ўзида, қолган олти киши эса шифохонада вафот этган. Маълум бўлишича, йирик кўприк қурилиши ҳукумат рухсатисиз олиб борилган. Апрель ойида тўхтатилган кўприк қурилиши май ойида яширинча қайта бошланган эди. Ҳозирда қутқарув хизмати билан полиция ҳамкорликда воқеа сабабларини ўрганмоқда.

**Интернет манбалари асосида Жаҳоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

